



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 14 апрель, № 73 (5240)

Пайшанба

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот-кутубхона ресурси — моддий объектда матн, овозли ёзув ёки тасвир тарзида қайд этилган ҳамда идентификациялаш, сақлаш ва фойдаланишни таъминлаш учун реквизитларга эга бўлган ахборот;

ахборот-кутубхона фаолияти — ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш ва ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича фаолияти;

ахборот-кутубхона фонди — тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурсларининг мажмуи;

ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши — фойдаланувчиларнинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

йўғма электрон каталог — ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон каталоглари мажмуи;

фойдаланувчи — ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилиши учун ахборот-кутубхона муассасасида рўйхатга олинган шахс;

электрон каталог — тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурслари рўйхатининг электрон шакли;

электрон кутубхона — ахборот-кутубхона фондининг электрон шакли.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 425-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда) **4-моддасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

2-банднинг 14-кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«14) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари»;

3-банднинг 17-кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«17) шаҳарда йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар. Ҳарбий турдаги автомобиль колонналари».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 13 апрель
№ УРҚ—281

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги 120-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **2-модда:** куйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**радиоактив чикиндилар** — кейинчалик фойдаланиш учун мўлжалланмаган, таркибидаги радионуклидларнинг активнинг даражаси қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлардан юқори бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги моддалар»;

саккизинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишганча **тўққизинчи — ўн учинчи хатбоши**лар деб ҳисоблансин;

2) **8-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**8-модда.** Радиациявий хавфсизлиكنи таъминлаш соҳасидаги назорат ва мувофиқлаштириш

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бундан мустасно.

Радиациявий хавфсизлиكنи таъминлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш назорати ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар, шунингдек таркибида табиий радиоактив элементлар мавжуд бўлган хом ашё, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизлиكنи таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизлиكنи таъминлаш соҳасидаги назорат ва мувофиқлаштириш амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади»;

3) **14-модданин:** **биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **биринчи ва иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Радиация-гигиена паспорти — ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи юридик шахснинг радиациявий хавфсизлик ҳолатини тавсифловчи ҳужжат.

Радиация-гигиена паспортига ҳар йили радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш натижалари киритиб борилади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **22-модданин:** **тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Радиоактив ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 13 апрель
№ УРҚ—282

Дўстона Ёрдамнингиз учун Сиздан Миннатдормиз

Японияда мисли кўрилмаган зилзила юз берганидан буён бир ой ўтди. Табиий офат оқибатида кўплаб одам ҳалок бўлди, 150 мингдан ортқ киши ҳалигача вақтинчалик яшаш жойларида кун кечирмоқда.

Ер силкиниши оқибатида цунами юзага келиб, ўз йўлидаги барча нарсани ювиб кетди ва ушбу ҳудудлар аҳолиси ичимлик суви, электр энергияси, озиқ-овқатсиз қолди. Алоқа издан чиқиб, одамлар бир-бирининг тақдирдан беҳабар қолди. Ана шундай мураккаб шароитда хорижий мамлакатлар кўрсатган ёрдам бизга катта далда бўлди.

Бир коста иссиқ оқват, кўрпа-тўшак оғир шароитда қолган инсонларнинг дилига малҳам бўлди, вужудига илиқлик бағишлади. Қидирув-қутқарув отрядлари вайронага айланган шаҳарларда катта куч-ғайрат билан одамларни қидириш ва қутқариш ишларини олиб борди. Шифокорлар гуруҳларининг жонбозлиги жабр чекканларнинг қалби ва вужудига малҳам бўлди.

Ҳозир ҳам табиий офатдан азизат чекканларга бутун дунёдан далда ва эзгу тилаклар келиб турибди.

Биз жаҳондаги барча инсонларга Кидзуна — халқимизга дўстона муносабати ва кўрсатган ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдираемиз. Бизга ёрдам кўрсатган дунёдаги барча одамларга миннатдорлигимизни билдираемиз.

Бу йўлда халқимиз янада бирдам ва ҳамжихат бўлиб, бутун кучини мамлакатимизни тиклашга сафарбар этади.

Барчага яна бир бор самимий миннатдорлик ва қатъий ишонч туйғулари билан чин юракдан ташаккуримизни изхор этаман.

Япония албатта оёққа турари, тикланади, янада куч-

лироқ давлатга айланади. Биз халқимизнинг салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятининг ёрдами билан бунга албатта эришамиз. Бизга ёрдам кўрсатган дунёдаги барча одамларга миннатдорлигимизни билдираемиз.

Бу йўлда халқимиз янада бирдам ва ҳамжихат бўлиб, бутун кучини мамлакатимизни тиклашга сафарбар этади.


Барчага яна бир бор самимий миннатдорлик ва қатъий ишонч туйғулари билан чин юракдан ташаккуримизни изхор этаман.

Наото КАҲ,
Япония Бош вазيري.

ЯНГИ ҒОЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси иш бошлади. Мазкур тадбир Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодий ҳамада Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.



Ярмарканинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш масаласига иқтисодий юқалишнинг энг муҳим омилли сифати алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис давлатимиз томонидан интеллектуал мулк яратувчилар фаолияти кўллаб-қувватланиб, улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинмоқда. Кейинги йилларда ҳўжалик шартномалари асосида тадқиқот билан шуғулланувчи илмий муассасаларга солиқ имтиёзлари берилган, йирик саноат корхоналарида инновация марказлари ва жағмаралари ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилиб, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир эса илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш имконини янада кенгайтирди. Сабаби, анжуман доирасида юртимиз олимлари нафақат ўзлари яратган инновацион лойиҳалар, технология ишланмаларини намойиш этишди, балки шу ернинг ўзида саноат корхоналари билан кооперацион алоқага ҳам киришишди. Бунинг учун бу ерда барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Бу, ўз навбатида, ярмарканинг ўзаро келишув ва шартномаларга бой бўлишини таъминлапти. Утган тадбирларда умумий қиймати 41 миллиард сўмлик 1196 та шартнома имзолангани фикримиз исботидир. Натижада 88,2 миллиард сўмлик янги, шу жумладан, 7,8 миллион АКШ долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш йўлига қўйилди.

Шу билан бирга, замонавий технологияларнинг қўлланилиши боис кўплаб корхоналарда электр энергияси ва бошқа сарф-харажатларни камайтириш баробарида, 11,2 миллиард сўм иқтисод қилинди. Мазкур маблағ корхоналар фаолиятини ривожлантириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардос

маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Тадбирдан кўзланган мақсад ҳам фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига муносиб улуш қўшилишидир. Намойишга қўйилган инновацион маҳсулотлар билан яқиндан танишган киши бунинг уйдасидан чиқалаётганига ишонч ҳосил қилади. Негаки, кенг жамоатчилик эти-борига ҳавола этилаётган 600 га яқин технология ва ишланмалар, ихтиро ҳамда ғояларнинг асосий қисми импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради. Улар 100 дан зиёд илмий тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари ва ихтирочилар томонидан яратилган мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти тобора юқалиб бораётганидан далolat, албатта.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ТАҲЛИЛ ВА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органларининг I чорак фаолияти яқунлари сарҳисоб қилиниб, биринчи ярим йилликни муваффақиятли яқунлаш мақ-

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизи-

садида мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга қаратилди.

мини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сонли қарорига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг лавозим маошларига махсус рағбатлантирувчи устамаларни қўллаш бўйича 2011 йилда ўтказилган тест-синови яқунлари таҳлил қилинди.

(Давоми 4-бетда).



O'ZSANOATQURILISHBANK

Бу йил барчамиз мамлакатимиз тарихидаги энг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаймиз. Табиийки, ўтган давр мобайнида республикамиз Президентимиз раҳнамолигида мислсиз муваффақият ва ютуқларга эришди. Ва буларнинг бари тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўлини танлаганимиз, шу йўлдан қатъият билан илдамлаётганимиз самарасидир.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, аввало, инсон, унинг манфаати ва турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз молия бозорининг етакчи муассасаси — «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам бутун фаолиятини халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга йўналтиргандир.

САЛОҲИЯТИ ЮКСАК, ШИЖОАТИ БАЛАНД

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси замонавий ва сифатли хизмати билан мижозларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Самарали фаолиятга муносиб баҳо

Молия соҳасида катта тажрибага эга бўлган мазкур банк ўз фаолияти давомида омонатчилар, мижоз ва акциядорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга, асосий эътиборни иқтисодиётда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга қаратаётгани эътирофга сазовордир. Айни пайтда ушбу молия муассасаси бир миллионга мижозга хизмат қилмоқда. Унинг юртимиз бўйлаб 43 та йирик филиали, 100 га яқин минибанки, 167 та жамғарма, 100 га яқин махсус касса ва бошқа шох-боначалари самарали фаолият кўрсатмоқда.

лишбанк»нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги иштироки унинг салоҳиятини янада оширишмоқда. Эътибор беринг: банк жорий йил биринчи чорагининг ўзига соҳа ривож учун 69,7 миллиард сўм миқдорда кредит ажратди. Иқтисодиёт тармоқларида уч ой

Эндиликда у ўз мижозларига комплекс банк хизматларини кўрсатиш билан бирга, реал сектор корхоналарини молиялаштиришда, иқтисодий ноҳор ташкилотларни қайта тиклаш ва шу орқали иш ўринларини яратишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Президентимизнинг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан банк тасарруфига олинган жами 14 та банк-кредит қорхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятни такомиллаштириш, шунингдек, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу



иҳида 1500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда яна бир мисол. Банк ўтган йили кичик бизнес субъектлари ажратган жами 228,1 миллиард сўмлик кредитлари эвазига 6 мингга яқин иш ўрни яратилган эди. Бу йилги режалар янада юксак. Умуман, бундай истиқболли кредитлар ажратилаётгани нафақат корхоналарнинг юксалишида, балки халқимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банк 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан

Бугунги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк» йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Памук ва Денгизкул қонида компрессор станцияси қурилиши, Деҳқон-обод қалий ўғитлар заводи, «Фаргонаазот» ва «Максам — Чирчиқ» корхоналарида аммиакли ўғитлар ишлаб чиқарувчи қурилмаларни бунёд этиш ва модернизациялаш, «Ўзтрансгаз» АК газ узатиш тизимида технология алоқа ва бошқарув тизимини таъминлаш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш, «Фузор — Сурхон» юқори қуналишли электр линиясини ўтказиш, Навоий ИЭСда буғ-газ мослама қурилиши каби стратегик аҳамиятга эга қатор йирик лойиҳаларни молиялаштиришмоқда.

«Энг яхши бизнес лойиҳа» танловини эълон қилган эди. Қисқа вақт ичида унда мамлакатимиз бўйича юзлаб тадбиркорлик субъектлари ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этишди. Танлов жараёнида асосий эътибор ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий долзарблиги, ижтимоий самарадорлиги, ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятларига қаратилди. Ана шу мезонларга тўлиқ жавоб берган танлов ғолиблари лойиҳалари жами 365 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу тадбир банк томонидан тадбиркорларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши борасида олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирларнинг бир мисоли, ҳолос.

Шу кунларда «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан тадбиркорларни янада рағбатлантириш мақсадида қўллаб-қувватлаш бўйича танловлар ўтказишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Инвестициянинг бекиёс қудрати

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бугун нафақат мамлакат иқтисодиётининг, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳам фаол ташаббускорига айланди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг хизмат қўлами, банк жамоаси амалга ошираётган ишлари ва тадбирлар хусусида яна кўп ва хўп гапириш мумкин. Мамлакатимизда бунёдкорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида қилинаётган ишлар йил давомида тўхтамаганидек, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг иш кунлари ҳам ниҳоятда қизғин ўтмоқда.

Келгусида «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаб, инвестициявий фаолиятни янада ривожлантириш ниятида. Бундан маълум бўладики, у мамлакатимиздаги етакчи молия муассасаси сифатида барқарор ривожланишда давом этади. Юртимиз иқтисодий қудрати ҳамда салоҳиятининг янада ошишига ҳамиша қамарбаста бўлаверади.

Фурқат САНАЕВ. [T]



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодий тараққиётнинг муҳим бўлини сифатида кун сайин ривожланиб бораётган. Бунда тадбиркорлик субъектлари билан молия муассасалари, хусусан, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ўртасидаги алоқалар тобора кучайиб бораётганлигини таъкидламоқ жоиз.

Негаки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонидаги биноан фаолиятини бошлаган мазкур молия муассасаси ўтган вақт мобайнида, чин маънода, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва моддий қўмақчисига айланган улгурди. Бошқача айтганда, «Микрокредитбанк», мана беш йилдирки, соҳани жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш имкониятига эга микромо-

ган 4 миллион сўмлик микро-росармоя эвазига 2500 та «Ломанн-браун» зотли товук сотиб олиб, паррандачиликка ихтисослашган «Улуғ орзу оқибат» хусусий фирмасини ташкил этди. Ҳозирда туманимиз аҳлига ҳар ойда 45 минг донагача тухум етказиб бераёلمиз. Шу ўринда айтишим кераки, «Микрокредитбанк» томонидан тақдим этилаётган қандайдир кредитлар биз каби янги иш бошлаган тадбиркорлар учун жуда маъқул бўлмоқда. Хусусан, мен бандан олган қарзимни қайтариб, шу кунларда чорвачилик фермасини ташкил этиш

маҳсулотлар етказиб бердик. Бунинг учун, албатта, яқин ҳамкоримизга айланган «Микрокредитбанк»дан миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, банк жамоасининг мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда иш юритиши, улар томонидан ҳар бир маҳалла ёки қишлоқ ҳудудига кириб бориш дастурининг пухта ишлаб чиқилгани, шунингдек, кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликнинг изчил йўлга қўйилгани республикамизда мана шундай уddaбурон тадбиркорлар кўпайишига хизмат қилаётган. Хусусан, «Микрокредитбанк» мутахассисла-

марасини бермоқда. Хусусан, оқ олтинлик Маъмура Жамолова айнан шундай мулоқотлар сабаб ўз бизнесини бошлаган ёш тадбиркорлардан биридир.

— Ўтган йили туманимиздаги Иқтисодиёт коллежини тамомлагач, банкнинг 3 миллион 300 минг сўм миқдоридagi бошланғич сармояси ҳисобига «Оқуш қўшиғи» номи хусусий корхона ташкил этдим, — дейди у. — Аввало оддий тикувчиликдан бошлаган ишим эндиликда аҳолига кенг қўламли хизмат кўрсатувчи комплексга айланди. Бу ҳам Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган гамжўрликлари самарасидир.

Чиндан ҳам, ҳозирда «Оқуш қўшиғи»да ишлар анча юришган. Масалан,

«Микрокредитбанк»:

МАҚСАД — ҲАР БИР ОИЛАГА ДАРОМАД МАНБАИНИ ЯРАТИШ

ливи ташкилот сифатида ўзини тўла-тўқис намоён этиб келмоқда.

Банк ташкил этилганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 550 миллиард сўмга яқин сармоя ажратилган, бу маблагнинг 375 миллиард сўминики микромолиявий хизматлар ташкил этиб, ушбу кредитлар эвазига 400 мингга яқин иш ўринлари яратилгани шундан далолат беради.

мақсадида яна 14 миллион сўм миқдорда кредит олиш ҳаракатидаман. Мухими, бошлаган ишимдан нафақат оиламга барака қираяпти, балки жамиятга фойда тегаяпти.

Маълумки, ҳар қандай корхона ривожини унинг дастгоҳлар билан қай даражада таъминланганига боғлиқ. Шу боис ҳозир тадбиркорларимиз ўз корхоналарида замонавий ускуналардан фойдаланиб, ана шу йўл билан ички ва ташқи бозор талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интиломоқда.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг ишбилармонларимизга бу борада ҳам яқин қўмақдош бўлаётгани диққатга сазовор. Банк жамоасининг саяё-ҳаракати билан ўтган йил давомида тадбиркорлик

рининг ўзбек Республкаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси сингари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, коллеж ва академик лицей ўқувчилари учун махсус тадбиркорлик дарсларини мунтазам ўтказиётгани бунда яруҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда банкнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Хунарман» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Кули гулдор ўзбек эҳти...

тикувчилик цехида тикилган либослар шу ердаги гузаллик салоҳида ижарага берилмоқда. Илгари бу каби хизматлардан фойдаланиш учун туман марказига қатнаган «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси Маъмуранинг тадбиркорлигини мамнун.

Хуллас, шу кунларда тадбиркорнинг қўли-қўлига сир-асрорларини ўргатиш билан бирга, фаолиятини кенгайтириш йўлида доимий изланишда.

Эндигина йиғирма бир ёшга қаршилаган Маъмура сингари серғайрат, ташаббускор ёшларимиз мисолида юртимизнинг эртаси намоён бўлади, гўё.

Умуман, банкнинг ўтган йил давомида аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга 26,1 миллиард сўм, ёшларга эса 21,7 миллиард сўм миқдорда маблаг йўналтирилгани диққатга сазовор.

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янқулар ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маъкамаси мажлисидаги маърузасида

Молия муассасаларида

панияси тузилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ушбу банкрот корхоналар негизига 8 та корхона ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. Мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича республика комиссиясининг қарорига асосан, бундан бир муддат олдин «Ўзсаноатқурилишбанк» Андижон вилоятидаги иккита банкрот корхона — «Балиқчилик» қўшма корхонаси ҳамда «Балиқчилик» ОАЖни сотиб олган эди. Ушбу корхоналар негизига янги «ПСБ-Антекс групп» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Очиги, ўша пайтда ҳар иккала корхонада ҳам иқтисодий ноҳорлик туфайли ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолган. Эскирган дастгоҳлар, хароба ахволдаги бинолар гўё энди ҳеч кимга керак эмасдек эди. Негаки, корхоналарнинг қайта оёққа туришига умид сўнганди. Лекин изланганга имкон топилган экан. «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан киритилган катта миқдордаги сармоя, энг муҳими, давлатимизнинг эътибори туфайли корхоналар буткул янгитдан фаолият бошлади.

Албатта, бугун бу ерда аввалги эскирган цехлар, муддатини ўтаб бўлган дастгоҳлар ўрнини янги, замонавийлари эгаллаган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса сифатлиги боис бозорда бемалол рақобатлаша олади. Энг муҳими, корхона ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишга ҳам улгурди. Хувиллаб ётган цехларни 500 нафардан зиёд янги ишчи тўлдирди. Бу ҳали банк амалга ошираётган иқтисодий ноҳор корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишларнинг ҳаммаси эмас.

Яқинда «ЎзБотлерс Групп» қўшма корхонаси негизига «Самарқанд Аква Лайн» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Энг қувонарлиси, йилга 1 миллиард сўмлик яқин ичимлик суви, 2,7 миллиард сўмлик табиий шарбат ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш натижасида 1 миллиард сўмга яқин фойда олиш мўлжалланмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур молия муассасасининг аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани, микро-росармоялардан унумли фойдаланган мижозларга имтиёзли тарзда ишонч кредитлари тақдим этаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Яъни банк мижозларни бошланғич сармоя билан таъминлашдан тортиб, уларнинг ишлаб чиқаришларини саноат даражасига етказиш жараёнига молиявий қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Масалан, бу ерда мижозларга қулайлик сифатида жисмоний шахс ва гуруҳ қафлиги асосида микрокредитлар ажратилиши эътибори тақдим этилган.

субъектларига 37 миллиард сўмлик яқин микролизинг хизматлари кўрсатилиши қўллаб қорхоналарнинг энг илғор технологиялар билан жиҳозланишига замин яратди.

Пойтахтимиздаги «Мезон Пласт» масъулияти чекланган жамияти — шундай мижозлардан бири. Мазкур корхона иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ўтган бир йилдан кўпроқ муддат ичида у «Микрокредитбанк» томонидан кўрсатилган 55 миллион 700 минг сўмлик лизинг хизмати эвазига Хитойдан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлари билан мижозлар кўнглига йўл топа олди.

— Бизда, асосан, полипропилен қоплари ишлаб чиқарилади, — дейди жамият иш бошқарувчиси Пўлат Мирюсов. — Биласиз, ҳозирги кунда республикамизда озиқ-овқат, қурилиш, оиласи фаровонлиги, фарзандлари қамолтини ўйлаб меҳнат қилаётган ҳар бир киши Юртбошимизнинг эътибори ва гамжўрлигини дилдан ҳис этмоқда, — дейди дангаралик тадбиркор Абдумунир Эркаев. — Зеро, тадбирли инсон бундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланса, ниятлари ижобат бўлиши мумкин. Масалан, ўзимдан қиёс. Ўтган йили «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими томонидан берил-

қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини оширишга, истеъодларини намоён этишларида имкон бериш баробарида, иқтисодиётимиз тараққиётида уларнинг фаол иштирокини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазма-савдо доирасида банк кредитлари ҳисобига фаолият юритаётган чевар аёллар ўзларининг гилам-ўзлик, каштачилик, зардўзлик сингари миллий қадриятларимиз асосида яратган маҳсулотлари намуналари билан иштирок этадилар. Бу йилги кўргазма-савдо жараёни ҳам ишчан ва кўтаринки кайфиятда давом этмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун мунтазам равишда кўргазмали семинарлар уюштирилаётгани ҳам ўз са-

янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш устувор вазибалардан бири эканлигига алоҳида тўхталиб, республикамизда жорий йилда 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилаётгани, уларнинг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш орқали ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам хизмат ва маблағлари орқали «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белги-ланган вазибалар ижросини таъминлаб, қўшимча иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Яъни банк томонидан жорий йилнинг уч ойи давомида тадбиркорлик субъектларига 31,4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилиши натижасида 17 минг 740 нафар киши ишга жалб қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг айна фаолият нафақат республикамизда, балки халқаро доирада ҳам эътироф этилаётгани мамлакатимизда банк-молия тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг нақадар тўғри ва оқилона эканлигини далиллади.

Банк матбуот хизмати. [T]

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Жорий йилнинг 30 апрель — 1 май кунлари Бухоро шаҳрида анъанавий “Асрлар садоси” фестивали бўлиб ўтади. Мазкур санъат анжумани “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

Этиборлиси шундаки, “Асрлар садоси” фестивали миллий маънавиятимиз сарчамаларини қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, улуғ аждодларимиздан мерос бебаҳо қадриятларни жаҳонда кенг танитишга хизмат қилаётди. Ҳар йили республикамизнинг турли тарихий ғўшаларида маданият ва санъат илҳомландирди, уста-шогирд санъаткору хунарамандлар иштирокида ўтказилаётган мазкур нуфузли тадбир бугун нафақат юртимиз ахли, балки жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу гал фестивалга Россия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея, Италия, Испания, Япония, Швейцария, Австрия, Буюк Британия мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюриши кўзда тутиляпти. Негаки, мазкур йирик санъат анжумани халқ анъаналари, урф-одатлари, миллий санъатимиз намуналари, халқимизнинг бағрикенглик ва меҳмондўстлик қирраларини ёрқин акс эттириши билан эътиборга моликдир.

маротаба 2008 йили Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ўтказилди, чинакам ҳалқ сайли тусини олган эди. Шундан буён анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган маданият фестивали энди қадимий Бухорои шарифда қулоч ёйиши кўнглимизда фахр ва гурур хиссини уйғотди. Зеро, Бухоро 2500 йиллик ўтмишга эга бўлган, ноёб осориати қалари, бетакрор мезморий иншоотлари, қолаверса, гўзал урф-одатлари билан жаҳонга машҳур шаҳардир.



Шубҳа йўқки, ота-боболаримизнинг юксак диди, тафаккури, бунёдкорлик салоҳияти маҳсули бўлмиш қадимий ёдгорликлар бағрида бўлиб ўтажак фестивал бу гал ҳам иштирокчилару меҳмонларга олам-олам завқ улашади. Фестивалда халқ сайиллари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, миллий либослар намойиши, бахши-

лар дастури, безакли-амали санъат ва миллий матолар ярмаркаси, хўроз ва қўй жанги, кураш каби халқ ўйинлари ҳамда миллий таомлар фестивали бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, тадбир доирасида археолог-олимларнинг маҳорат дарслари ҳам ўтказилади. Фестивалнинг иккинчи кунинда эса бир неча йиллар мобайнида нашрга тайёрланган “Меъморий эпиграфика дурдоналари” китобининг тақдими бўлиб ўтади.

Мазкур анжуманининг яна бир муҳим тадбирларидан бири “Кинофестиваллар — замонавий жаҳон маданияти феномени” мавзусидаги давра суҳбатидир. Унда жорий йилнинг кузига бўладиган Тошкент Халқаро замонавий кино фестивалининг тақдими ҳам ўтказилади. Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги “Асрлар садоси” фестивалининг юксак савияда ташкил этилиши ва унутилмас таассуротларга бой бўлиши учун Бухорода қизгин ҳозирлик қўрилади.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архивда сақланаётган ҳужжатлар тарихийлиги, аҳамияти, ҳажми жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ердаги 2 миллиондан зиёд ҳужжатнинг 1 миллион 600 мингдан ортми мамлакатимиз миллий архив фондига киритилган бебаҳо дурдоналар ҳисобланиб, уларнинг энг қадимийлари IX асрга бориб тақалади.

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Уни асраб-авайлаб сақлаш ва келажак авлодга етказиш муҳим вазифадир.

Шунингдек, бу ерда минглаб босма нашрлар, тарихий газета ва журналлар, ноёб китоблар, бир неча ўн йилларда дахлдор қонунлар тўплами сақланади. Мазкур тарихий манбалар олимлар, тадқиқотчилар, талаба-ёшлар учун бебаҳо манбадир.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб архив ишини такомиллаштириш, ҳужжатлар сақловини яхшилаш учун шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан архив ишини ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинди.

Президентимизнинг қарори билан архив биноси Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига тўлиқ реконструкция қилиниб, техник жиҳатдан

модернизациялаштирилди. Шунингдек, грант доирасида “Марказий давлат архивларини ахборотлаштириш лойиҳаси” иш-лаб чиқилди. Айниқса, 2010 йилнинг 15 июндан Ўзбекистон Республика-

Мерос

сининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунининг қучга кириши соҳани янада ривожлантиришга замин яратди. Айни пайтда Марказий давлат архивдаги алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ва каталогларини жорий этиш ишлари кенг қўламда амалга оширилмоқда. Шу асосда махсус секторлар жорий

қилинди. Ўтган йили архив сақловида бўлган мавжуд бошқарув ҳужжатларининг электрон каталоглари яратилган бўлиб, бу жараён маълум мавзуга оид ҳужжатлар излашни енгиллаштириши би-

лан бирга асл ҳужжати сақлаш, уларни ортиқча таъсирлардан асраш имконини беради.

Биласиз, корхона ва ташкилотлар ҳодимлари оид ҳужжатлар ҳам, асосан, архивларда сақланади. Шу боис, айниқса, пенсия ёшида бўлган мижозлар муассасамизга тез-тез муурожаат қилишади. Ҳужжатлаштириш жараёнида электрон ахборотлаштириш тизимига ўтилгани боис ҳам уларага ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш имконияти туғилди. Жорий йилда ҳам алоҳида қимматга эга бўлган архив ҳужжатларининг 75000 қардан иборат электрон нусхаларини яратиш режалаштирилган.

Буларнинг барчаси мазкур тизим ривожига қаратилган юксак эътибор натижасидир. Зеро, тарихимизни асраш, уни келажак авлодга тўла-тўқис ҳолда етказиб беришида давр кўзгуси бўлган архивларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти, табиийки, ниҳоятда катта.

Л. АРИФЖОНОВА,
республика Марказий давлат архиви директори ўринбосари.

ТАҲЛИЛ ВА ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда). Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 192-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан 2010 йил учун жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияларнинг тақдим этилиши натижалари танқидий муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Ҳайъат йиғилишида «Қўшилган қиймат солиғи солиқимайди-ган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада алоҳида акс эттирилишини аниқлаш тўғрисида»ги Низом талабларига асосан, Наманган, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилаётган назорат тадбирлари аҳоли танқидий кўриб чиқилди.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, давлат солиқ хизмати органларини янада модернизация қилиш борасида Тошкент вилояти давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган ишлар танқидий муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Муҳокама қилинган Самарқанд ва Жиззах вилоятлари давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг фаолияти коникорсиз, ҳам топилиб, тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди ҳамда масъулияти иккинчи чорак якуни билан қайта кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Самарқанд, Жиззах, Андижон, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган 2 нафар раҳбар ходим эғаллаб турган лавозимидан озод этилди, 42 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати.

ХАЛҚ БАНКИ

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
компьютер техникалари харид қилиш бўйича танлов ўтказида.

Танлов ҳужжатлари тўпламини хар қандай ваколатли қатнашувчи куйида кўрсатилган манзилдан олиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки, Тошкент шаҳри, 100096, Катортөл кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: (998-71) 273-86-49, 150-13-12.
Факс: (998-71) 150-12-94.
E-mail: lxmatulla@xb.uz

Барча таклифлар Халқ банкининг юқорида кўрсатилган манзилига 2011 йил 21 апрель соат 17.00 гача тақдим қилиниши лозим.

Мазкур муддатдан кейин тақдим этилган таклиф ва қўшимчалар қабул қилинмайди.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:

- Онкология кафедраси — кафедра мудири.
- Фтизиатрия кафедраси — кафедра мудири.
- Юқумли касалликлар кафедраси — кафедра мудири.
- Инновацион технологиялар ва молия менежменти курси — доцент.
- Ревматология ва нефрология кафедраси — кафедра мудири.
- Эндокринология кафедраси — кафедра мудири.

Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.
Телефон: (8-371) 267-60-74.

«НАСАФ»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Осиё футбол конфедерацияси кубогига учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Мусобақанинг “А” гуруҳи- Шўҳрат Мирхолдиришов ва да юртимиз шарафини Андрей Переплёткин ҳимоя қилаётган Қарши-нинг “Насаф” Хушхабар киритди. Ушбу гуруҳдаги “Ал-Ансор” (Ливан) жамоаси сафарда Ҳиндистоннинг “Демпо” клубига қарши майдонга тушиб, йирик — 4:0 ҳисобида ғалаба қозondi. Тўпларни Илҳом Юнусов, Лутфулла Тўраев, Шўҳрат Мирхолдиришов ва Андрей Переплёткин киритди. Ушбу гуруҳдаги “Ал-Ансор” (Ливан) — “Ат-Тилол” (Яман) учрашувида 4:1 ҳисоби қайд этилди.

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|----------------------|---|---|---|---|------|---|
| “Насаф” (Ўзбекистон) | 3 | 3 | 0 | 0 | 10-2 | 9 |
| “Ал-Ансор” (Ливан) | 3 | 2 | 0 | 1 | 6-4 | 6 |
| “Демпо” (Ҳиндистон) | 3 | 1 | 0 | 2 | 2-7 | 3 |
| “Ат-Тилол” (Яман) | 3 | 0 | 0 | 3 | 4-9 | 0 |

Яна бир жамоамиз “Шўртан” эса кеча Ғузурда ОФК кубогининг амалдаги соҳиб, Суриянинг “Ал-Иттиҳод” жамоасини қабул қилди. Қизғин курашлар остида кечган беклашув 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан ақунланди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2011 йил 29 апрель кунини соат 11.00 да ўтказиладиган, бошлангич баҳос юқориллаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объект қайтадан қўйилмоқда:

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Садриддин Айний кўчаси, 4-уйда жойлашган «Раис бобо» номи 2 қаватли ресторан. Ресторан 2007 йилда қурилган, умумий ер майдони — 1709,55 кв.м., қурилиш ости майдони — 822,67 кв.м., фойдаланиш майдони — 1454,35 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 545 591 619 сўм.

Мазкур аукцион савдосида сотилма қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 20 май кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 10 физи миқдоридаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг ОАТБ «Хамкорбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604460401001, МФО: 01030, СТИР: 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 3-уй, 2-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.

| | | |
|--|---|--|
| Ўзбекистон “Ўзкоммунхизмат” агентлиги жамоаси агентлик тасарруфидаги Туямўйин — Урганч минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси директори Бахтиёр САПАРБАЕВИН вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. | Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги жамоаси агентлик ходими Раҳимбой РАҲИМОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради. | Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентлигининг Ишлар бошқармаси собиқ ходими Маҳмадросул РОЗИҚОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади. |
|--|---|--|

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

- Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»
- «Энг яхши инновацион лойиҳа»
- «Қишлоқ жойларда энг яхши бизнес лойиҳа»
- «Аёл тадбиркорнинг энг яхши бизнес лойиҳаси»
- «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»

ТАНЛОВЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танлов шартлари:

| № | Танлов шартлари | Шартлар |
|----|--|--|
| 1. | Танлов иштирокчиси | Бизнес лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликчлари. |
| 2. | Бизнес лойиҳа қиймати | Лойиҳа қиймати 500 млн. сўмгача. |
| 3. | Бизнес лойиҳа мақсади | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434, ПҚ-1047 ва ПҚ-1050-сонли қарорларига асосан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кенгайтириш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги замонавий ускуналар, техникалар ва технологиялар сотиб олинishi лозим. |
| 4. | Бизнес лойиҳага қўйилган асосий шартлар | — ташаббускорнинг 40 фондан кам бўлмаган миқдорда лойиҳада қатнашиши; — камидан 5 та янги иш ўринлари яратилиши; — туман миқёсида лойиҳанинг долзарблиги. |
| 5. | Кредит муддати | 3 йил. |
| 6. | Танлов ғолибларига ютуқлар | Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга банк кредит сисъати талаблари асосида йиллик 6 фoиз ставкада кредитлар ажратилади ҳамда совғалар тақдим этилади. |
| 7. | Иштирокчилар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш | «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимидаги барча филиалларга 2011 йилнинг 15 июлига қадар тақдим этилади. |
| 8. | Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати | 2011 йил 29 — 30 август. |

МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ КРЕДИТ БЎЛИМЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

| Минтақавий филиаллар | Телефон рақамлари | Минтақавий филиаллар | Телефон рақамлари |
|------------------------------------|----------------------------|-------------------------------------|----------------------------|
| Корақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 780-01-48, 780-01-01 | Сурхондарё минтақавий филиали | (376) 781-12-86, 272-73-73 |
| Андижон минтақавий филиали | (374) 235-30-97, 235-20-99 | Сирдарё минтақавий филиали | (367) 225-19-55, 225-07-40 |
| Бухоро минтақавий филиали | (365) 223-57-36, 223-60-22 | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) 244-14-89, 244-56-10 |
| Қашқадарё минтақавий филиали | (375) 223-22-12, 223-06-83 | Фарғона минтақавий филиали | (373) 224-50-19, 224-85-03 |
| Навоий минтақавий филиали | (436) 224-53-91, 224-50-91 | Хоразм минтақавий филиали | (362) 224-12-44, 224-22-93 |
| Наманган минтақавий филиали | (369) 234-32-90, 234-14-94 | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) 140-66-28, 140-66-29 |
| Самарқанд минтақавий филиали | (366) 233-44-01, 233-66-29 | Амалиёт бошқармаси | (371) 120-45-72, 120-45-61 |
| | | Марказий амалиёт минтақавий филиали | (371) 239-10-18, 140-15-36 |

Бош офис телефонлари: (371) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20

«Ўзсаноатқурилишбанк» — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи! Вақт давомида синалган ишонч!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25
Топширилди — 23.25
1 2 3 4 5